

УЙГУР ЁЗУВЛИ ВАСИҚАЛАРДА ИШЛАТИЛГАН БАДИЙ СТЕРЕОТИПЛАР



10.24412/2181-1784-2021-1-178-192

Қосимжон СОДИҚОВ,

филология фанлари доктори, профессор

Аннотация: в начале прошлого столетия во время научных экспедиций организованных в исторических окраинах современный синцзянь, в частности оазис турфан, русскими и западноевропейскими учёными найдены многочисленные культурно-исторические памятники и древние рукописи. среди них есть официальные документы созданные в древнетюркским буддийским и манихейским общин, множество которых написаны уйгурским шрифтом. в них много сведений о общественно-экономической системы древнетюркских государств, о торговых отношениях между лиц, также юрисприденции.

документы созданы при выдаче воли своего раба, о принятии в приют ребёнка, о выдаче своего сына на работу богатым семьям, о продаже рабов и рабынь, о распределении наследств, о продаже земли, хозяйственные документы, о выдаче в аредду земли и виноградника, о взайме серебреных монет, о выдаче аренде зерновых, о велях товарообмен. официальные документы свидетельствуют о том, что древнеюркское общество и государственное управление опиралась документацией.

еще одна важная часть заключается в том, что они являются памятниками древнетюркского письменного литературного языка и официального стиля. документы написаны грамотно и отвечают всем требованиям дипломатического делопроизводства. они имеют важное место в формировании и развитии официального дипломатического стиля.

в данной статье речь идет о семантике и стилистических функциях стереотипных единиц расположенных в этих документах, также о синкретического характера официальных и литературных стилем данных текстов.

Ключевые слова: тюркские манускрипты, официальные документы, тюркские юридические документы, официальный стиль, литературный стиль, синкретизм официального и литературного стилей, стереотипы.

Abstract: in the beginning of the last century, russian and western european scientists discovered many historical monuments of history and manuscripts as a result of scientific expeditions to the historical lands of present-day sindjan, in particular, the ancient turfan. among the manuscripts were the official documents created by the ancient turkic buddhist monarchy. most of these historical documents are in the old uighur form, with extensive information on the socio-economic system of the ancient turkic states, the relationships between people, trade and legal relations.

documents give freedom to patrons, adoptions, transfer their children to a lawyer, sell slaves and slaves, inherit the land, sell land, farm work, sell their crops, rent a vineyard, loans, loans, commodity turnover. and most importantly, the rule of law in the old state and society has become a leader and all legal relationships have been formalized.

also, these documents are also important historical monuments of turkish written literary language. the units are fully competent and fully meet all the requirements of the current period. they serve as a reliable material in the study of the turkish historical formation and development of the official style.

in this article, ancient turkish official documents found in turf were studied stylistically. it focuses on the key issues of text stylistics - the stereotypical units used in documents, their functions, the synchronicity of formal and artistic styles.

Keywords: old turkic manuscripts, history of turkic documents, old turkic documents, stilistics of official documents, literary stereotypes, synchronicity of official and literary style.

«Стереотиплар» деганда ёзма ёдгорликлар тилида воқеа-ҳодисалар баёни, фикр ифодаси билан боғлиқ ҳолда тез-тез қайталаб турувчи сўзлар, сўз бирикмалари ва жумлалар тушунилади. Стереотиплар бадиий матнларда ҳам, расмий ҳужжатларда ҳам ишлатилади. Лекин ҳар икки ҳолатдаги вазифаси бошқа-бошқа. Чунончи, бадиий адабиётда қўлланувчи стереотиплар бадиий бўёққа эга; уларда кишилик турмуш тарзи ва воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабат бадиий услубда баён этилади. Улар бадиий тафаккурнинг маҳсулни бўлиб, асар бадиийлиги, баён тарзининг таъсиранлигини оширишга ишлади. Масалан, ўрхун битигларида хоқоннинг қудрати, давлат ишларини билим ва адолат билан бошқараётгани таърифланганда *qayani alp ermiš, ayyučisi bilgä ermiš* («хоқони алп экан, маслаҳатчиси доно экан») жумласи ишлатилади.

Ёки Кул тигин ва Билга хоқон битигларида юрт эгаси ўзининг эл равнақи, улус фаровонлиги йўлида олиб борган эзгу ишларини таърифлаб, ўз ютуқларидан фахрланиб, *čiyan bodunuq bay qiltim, az bodunuq öküš qiltim* («йўқсил халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим») жумласини қўллади. Битигларда тез-тез учраб турувчи *tört buluq qop yayi ermis* («тўрт томон бутунлай душман экан») жумласи мамлакат танг аҳволда экани, тўрт ёқдан қуршовда қолинганини англатади. Кўшиннинг қудратли юриши, аёвсиз жанглар, ёв устидан қозонилган зафарлар баёнида *elligig elsirätdimiz, qayanlıgi qayansıratdimiz, tizligig sökürttimiz, başlıgi yüküntürttimiz* («эли борни элидан айирдик, хоқони борни хоқонидан айирдик, тиззаси борни чўктиридик, боши борни юкунтиридик») жумласи ишлатилган ва б.

Хужжатлардаги стереотипларнинг мазмуни ва вазифаси булардан бир оз фарқ қиласди. Улар мазмуни ва вазифасига кўра икки хил.

Биринчиси, *хужжатнинг тузилиши, матн компонентлари билан боғлиқ ҳолда шаклланган стереотиплар*. Масалан, олди-берди васиқалари хужжатнинг тузилган санаси, қарз олинишининг сабаби, кимдан ва қанча қарз олинаётганлиги билан бошланади. Якунида эса олди-бердини кузатиб турган гувоҳлар, васиқадаги белги-тамғаларнинг кимга тегишли эканлиги ва хужжатни ким тузганлиги қайд этилади. Стереотиплар ҳам ана шунга мос ҳолда шаклланади. Бундай стереотиплар, хабарнинг аниқ ва лўндалигини таъминлайди, матннинг расмий мавқенини ошириб, хужжат қолипининг шаклланувига хизмат қиласди.

Иккинчиси, *фикр ифодаси, баён тарзи билан боғлиқ ҳолда шаклланган стереотиплар*. Матн битувчи фикр ифодаси учун нутқ жараёнида ишлаб чиқилган, тилда мавжуд бўлган тайёр қолип бирикмалар, поэтик бирикмалардан фойдаланади. Уларнинг эмоционал бўёғи ҳам, таъсири ҳам кучли.

Одатда, расмий услуг ўзининг аниқ ва равшанлиги, кўчма маъноли сўзлар, фразеологик бирикмалар, тасвирий ифодалар, кўтаринки жумлалар, турли бадиий воситаларнинг учрамаслиги билан ажralиб туради. Лекин бу ўлчовни, чегарани ҳеч бир ўзгаришсиз қадимги туркий тилдаги расмий битигларга, қолаверса, илк ўрта асрлардан қолган хужжатларга, хусусан васиқаларга нисбатан қўллаш ўзини оқламайди, назаримизда. Сабаби, ўша давр хужжатларида, юқорида расмий услугга тегишли деб қаралаётган белгилардан ташқари, оғзаки услугга, бадиий матнларга хос воситалар ҳам учраб туради. Битувчи-котиблар фикрни теран англатиш, унинг таъсирини кучайтириш,

vasiқani мазмунли ва ширали баён қилиш, матн услубининг силлиқ ва оҳангдор чиқиши учун, ўрни билан, бадиий воситалардан ҳам фойдаланган. Бир сўз билан айтганда, ҳужжатлар услубига оғзаки, сўзлашув услуби билан бир қаторда, бадиий тафаккурнинг, бадиий услубнинг, қадимги туркий адабиётнинг таъсири бўлган.

Васиқаларда оғзаки ва бадиий услугга хос бўлган стереотип жумлалар тизими амал қиласди. Улар расмий матнларга бадиий бўёқ бериши билан бир қаторда, юридик кимсалар нутқининг таъсирили ва мазмунли чиқиши, ҳаққонийлигини таъмингашга хизмат қиласди.

Бундай стереотиплар матнда расмий ва бадиий услуг синкетизмини юзага келтиради.

Қўйида васиқаларда кечган бадиий стереотипларнинг айримлари ва уларнинг услугбий, бадиий-эстетик вазифаларини кўриб чиқамиз:

berginčä yoq-bar bolsar-men

Бу ифода «қарзни бергунча борман-йўқман, беролмасам (қарзни узолмасам)» деган маънони билдиради. Қонунга кўра, ҳар қандай берим кафолатлануви керак. Ана шундай ҳолатни расмийлаштириш учун ҳужжатда айни жумла ишлатилади.

Туркшunosлиқда *yoq-bar bol-* ёки *bar-yoq bol-* ифодаси «ўлим» билан боғлиқ эканлигини қўпчилик эътироф этган. Бироқ, бу масалада бошқача қарашлар ҳам бор.

Жумладан, япон олимни М. Морининг таъкидлашича, *yoq-bar bol-* ифодаси «ўлим»ни эмас, қарз тўлаш чоғида беримчининг «бу ерда бўлмай қолиш эҳтимоли»ни, яъни унинг ўлиб кетиши эмас, балки қарзни тўламай, қочиб кетиши ёки бу ердан кўчиб кетишини назарда тутади. Ушбу ифоданинг бошқа ҳужжатларда *ičtin-taštin bol-*, *örü-qudī bol-* сингари парадигматик қаторларда келишига таяниб, олим ана шундай хулосага келган (Тугушева 1975,32).

Кейинги чоғларда М. Морининг ушбу хулосаси фанда оммалаша бошлади. Тўғри, ушбу ифодаларда ҳар қандай шароитда қарз албатта қайтарилиши кафолатланган. Лекин бу ифоданинг ҳар учала вариантини бир маънога бирлаштириш уқадар тўғри эмас, назаримизда; уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос маъноларга эга.

Шу ўринда ушбу ифоданинг ҳар учала кўриниши ва уларнинг маъноларини кўриб чиқамиз.

bar-yoq bol- ва унинг маъноси:

Ҳозирги ўзбеклар *Беш кунлигим борми-йўқми?* деймиз, бунда, табиийки, «ўлим» назарда тутилади. Ёки узокроқ вақт тўғрисида сўз кетганда: *Унгача ким бор-ким йўқ?* дейилади. Бунинг: *Унгача нима гап-нима сўз?* варианти ҳам бор. Бу жумлаларнинг барида кишининг ўлими кўзда тутилади. Шуларга таяниб, васиқаларда кечган *bar-yoq bol-* ни ҳам кишининг ўлимига боғлаган маъқул. Бу ўринда *bar bol* – «бор бўлмоқ; яшамоқ»; чоғиштириңг, ўзбекчада *бор бўлинг* – «яшанг» дегани; *yoq bol* – «йўқ бўлмоқ; ўлмоқ»; *bar-yoq bolsar-men* деганда «(мабодо) ўлиб кетсам» деган маъно англашилади.

Масалан, Қайимтудан тарик олингандаги тўғрисидаги васиқада: *Berginčä bar-yoq bolsar-men, inim Barčaqi anī tegilär bilä köni bersünlär* («Бергунча бор-йўқ бўлсан [борман-йўқман], иним Барчаки уни укалари билан қайтарсинглар») (TX.12.8–10).

öriü-qudī bol- ва унинг маъноси:

П. Займе *öriü-qudī* ни қутбларга (Жануб ва Шимолга) нисбат берган, яъни матндаги *öriü-qudī bolsar-men* бирикмасини «Жанубда бўламанми, Шимолда бўламанми, (қатъи назар)» дея талқин қилган (УДД,За.4: 41, икки юлдузли изоҳга қаранг).

Бунда у *öriü taqqa, qudī quimqa bar-* бирикмасидаги *öriü taqqa* ни «жанубга» деб тушунган, шунга боғлиқ ҳолда, *öriü* ни ҳам «жануб», унинг антоними бўлмиш *qudī* ни эса «шимол» дея талқин қилган.

Таъкидлаш жоизки, ёзма манбаларда *tay* сўзи шимолга нисбатан ҳам ишлатилган: *öydün yüjaq* – «шарқ», *kündün yüjaq* – «жануб», *kedin yüjaq* – «ғарб», *taydin yüjaq* – «шимол»ни англатади. Масалан, Сада отли кишининг Сўлда оғадан бўз олгани ва эвазига ўз узумзорини сотганлиги тўғрисидаги васиқада: *Bu borluqnij siccisi: öyduni Qara Temürniy borluq adirar; künduni yüjaq siccisi ögän adirar; kedin yüjaq siccisi ögän-ök adirar; taydin siccisi Suriga tegmis borluq adirar* («Бу узумзорнинг чегараси: шарқдан Қара Темурнинг узумзори айиради; жануб томондаги чегараси ўзанга тақалади; ғарб томондаги чегараси ҳам ўзанга тақалади; тоғ томондан яъни шимолдан чегараси Сурига теккан узумзор айиради») (TX.22.6–9).

Шимолга нисбатан *tay* сўзининг ишлатилиши, ҳарқалай, турфонликларнинг тасаввури билан боғлиқ. Чунки Турфон воҳасининг шимоли тоғлар билан ўралган.

Васиқаларда кечган *öriü taqqa, qudī quimqa barsar* жумласини кўзда тутадиган бўлсак, бу жумлада «шимол» ва «жануб» тушунчаси йўқ. Ундаги *öriü tay* – «юқори тоғ» ҳамда *qudī quim* «қуийи қум» ифодаси «тўрт томон; ўзи

истаган ер» маъносида; «юқори тоққа (борадими), қуи қумга борадими», яъни «истаган ерида; ҳамма ерда» англамида келган.

Мана унинг мисоли: *Bu künṭä mǐnča Burxan Qulīnij ya öṛǖ tayqa, qudī qumtqa barsar, öz köyülinčä buyan berip yorisun* («Бугундан бошлаб Бурхан Кулининг (эрки ўзида), юқори тоққа (борадими), қуи қумга борадими, ўз кўнглича йўл тутсин, савоб учун юраверсин») (TX.30.8–10).

Ушбу мисолимиздаги *öṛǖ tayqa, qudī qumtqa barsar* биримасидаги *öṛǖ tay* – «юқори тоғ» ҳамда *qudī qum* – «қуи қум», уларни ўзаро қаршилантириш йўли билан бадий санъат ҳосил қилинмоқда; «юқори тоққа (борадими), қуи қумга борадими» деган маънода, яъни «истаган ерида; ҳамма ерда» англамида келган. Фикрни бу тарзда ифодалаш расмий битиглар услуби учун файриодатий, лекин матннинг таъсирини ошириш, ифода бадиийлигини таъминлаш, «эркинлик» тушунчасини теран англатиш мақсадида ана шу ибора қўлланилган.

Шунинг сингари, *öṛǖ-qudī bol-* ифодасида ҳам «жануб» ва «шимол» тушунчаси йўқ.

Васиқаларда кечган *öṛǖ-qudī bol-* ифодаси, бизнингча, икки хил маънони англатади. Биринчиси, «қашшоқлашиш»ни билдиради: *öṛǖ* – асли «юқори», кўчма маънода бойлика нисбатан ишлатилади; *qudī* – асли «қуи», кўчма маънода қашшоқликка нисбатан ишлатилади. Васиқаларда *Bergincä öṛǖ-qudī bolsar-men* деган шаклда келади. Бу жумла «(қарзни) бергунча қашшоқлашиб қолсам ҳам, уни тўлашни кафолатлайман» деган маънони англатади (TX.52-vasiqaning izoxiga қаранг).

Иккинчиси, «ўлим» маъносида: *öṛǖ bol* – «юқорилашмоқ», яъни «яшамоқ»; *qudī bol* – «қуи бўлмоқ; инмоқ», яъни «ўлмак»; *öṛǖ-qudī bolsar-men* – «(мабодо) ўлиб кетсан / борман-йўқман» дегани. Матн ҳам шунга яраша талқин қилинади.

Мана мисоли: *Bergincä öṛǖ-qudī bolsar-men, inim Bilär köni bersün* («Бергунча юқори-қуи бўлсан [яъни борим бор, йўғим бор / бой ёки қашшоқ бўларман / бирор кориҳол бўлса], иним Билир албатта қайтарсин») (TX.52.5–6).

ičtin-taštin bol- ва унинг маъноси:

Ифоданинг бу вариантида ҳам «ўлим» маъноси йўқ: *ičtin* – «ичкарида», яъни «ўз уйимда»; *taštin* – «ташда, ташқарида», яъни «узокроқ бир ерда»; *ičtin-taštin bol* – «узоқ ерда бўлмоқ» маъносида ишлатилади. Матнларда *Bergincä ičtin-taštin bolsar-men* шаклида ишлатилган, бу «(қарзни) бергунча узоқ юртларга кетиб қолгудек бўлсан» деган маънони англатади. Беримчи (яъни

қарздор кимса) бирор сабаб билан кўчиб кетадими, қочиб кетадими, қатъи назар, қарзни тўлаш мажбуриятини олганда, ана шу жумла ишлатилади.

Масалан, Булмиш отли кишининг Кўсунчидан кумуш қарз олганлиги тўғрисидаги васиқада: *Berginčä ičtin-taštän bolsar-men, inim Ayqt(a)či (?) köni bersün* («Бергунча ичкарида ё ташқарида [ўз уюмда ё ташда – узоқ жойларда] бўларман, иним Айқтачи (?) албатта қайтарсан») (TX.53.5–6).

Демак, *bar-yoq bol- / öriü-qudī bol- / ičtin-taštän bol-* бир қолипдаги ифодалар бўлишига қарамай, учаласи уч хил маънода ишлатилади: шулардан *bar-yoq bol-* «ўлим»га ишора қиласи; кейингиси «бойлик ва қашшоқлик», бир пайтнинг ўзида, «ўлим»га ҳам ишора қиласи: *öriü-qudī bol-* «ҳеч вақосиз қолмоқ; қашшоқлашмоқ» ҳамда «ўлиб кетмак» дегани; сўнгти *ičtin-taštän bol-* «бу ерда яшамаслик; узоқ юртларга кўчиб кетиш» маъносидадир. Лекин ҳар учаласи ҳам, олинган қарз тўла-тўкис кафолатланувини билдиради.

Ушбу ифодаларни талқин қилишда, уларнинг асосини буддизм таъсирида бошқа халқлардан ўтган дея қарамаслик керак. Улар қадимги туркий тилнинг ички имкониятлари, туркий халқларнинг миллий менталитети, ўз қарашлари таъсирида шаклланган.

erklig beg išin-küčin tutup

Жорияни сотиб, ўрнига бўз олинганлиги тўғрисидаги васиқада *Erklig beg iši, elči-yalawač küčin tutup*, деган жумла ишлатилган (TX.23.18–19). Бу жумладаги *beg iši* ни С.Е. Малов *beg eši*, яъни «бекнинг хотини» деб тушунган, шунинг учун бу жумлани русчага: «Если же кто, употребив силу влиятельного бега и жены его, посланников и вестников ...» дея таржима қилган (Малов 1951,213). Аслида эса бумисолдаги *iši-küči* – жуфт сўз, «хукми; қудрати» маъносида. Шунга кўра, ушбу жумлани: «Хукмдор бекнинг, элчининг кучкуватига таяниб» деб талқин қилинса, тўғри бўлади.

miň yıl, tütän kün

Ушбу бирикмадаги *tütän* – «ўн минг», *tütän kün* – «ўн минг кун».

Махмуд Кошғарий *tütän* сўзининг бадиий функциясини яхши қўрсатган. Унинг ёзишича: *tütän* – «ҳар нарсанинг кўпи»; *tütän-türlüg sözlädi* – «ҳар хил сўзлар сўзлади; турли-туман сўзлади»; *tütän miň* – «минг-минг, минг туман, минг марта минг, бир миллион»; *tütän miň yarmaq* – «бир миллион танга» (МК.101b).

Саноқда *tütmän, miň* энг йирик сонлардир. Улар вақтни англатувчи *kün, yıl* сўзлари билан келганда давр узоқлигини билдиради. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётда, вақт узоқлигини таърифлаш учун улардан кенг фойдаланилган. Битигларда кечган *miň yıl, tütmän kün* бирикмаси вақтга нисбатан «доимий; умрбод, бир умр» маъноларини англатади.

miň yıl, tütmän kün бирикмаси кўк турк ёзувли битигтошларда ҳам ишлатилган. Жумладан, уйғур хоқонлигининг ҳукмдори Мўюн-чўр шарафига ўрнатилган битигда яхши бир мисол бор (Малов 1959,30–44). Битигда 750 йил воқеалари тўғрисида сўз борар экан, Мўюн-чўр тилидан: «Ўша йили ... оқ ўрда чодирини тиктиридим, мудофаа деворларини қурдирдим, ёзни ўша ерда ўтказдим, ўша ерда тангрига ибодат қилдим, туғроимни, битигимни, (тузугимни) ўша ерда яраттиридим (*belgümin-bitigimin anta yaratütdim*)» дей таъкидланади. Кейинги йил воқеалари баёнида ҳам шунга яқин мазмунли жумлаларни ўқиймиз: «Ўшанда ғарбда Идуқ башда, Ябаш ва тўқуш (дарёларининг) қуишлишида ёзни ўтказдим. Ўша ерда саройимни қурдирдим, мудофаа деворларини ўша ерда қурдирдим, минг йиллик, туман кунлик битигимни-тузугимни ўша ерда ясси тошга яраттиридим (*bij yilliq tütmän künlik bitigimin belgümin anta yasî taşqa yaratütdim*)» дейилади битигда (матнинг 19–22- қаторларига қаранг).

Сўнгги мисолда кечган *bitig-belgü* – «давлат тузуги; низоми» маъносини билдиради; *bij yilliq tütmän künlik bitigimin belgümin* дейилганда минг йиллик ёзувларга, ўтмиш анъаналари таъсирида шаклланган тузукка ишора этилмакда.

miň yıl, tütmän kün бирикмаси қулни сотиш, ер-жойни бирор кимсага ўтказиш билан боғлиқ ҳолда тузилган васиқаларда ҳам ишлатилади. Эндиgi ер ёки қул эгасининг ҳуқуқини кафолатлаш, бундан буёғига ўла-ўлгунча унга эгалик қила олувини таъкидлаш учун ана шу жумладан фойдаланилади.

Мана бунинг мисоли: *Bu tört siciliy borluq üzä miň yıl, tütmän künkä tegi Basa Toγ[r]il erklig bolsun.* – «Бу тўрт чегара оралиғидаги узумзорга минг йил, туман кунга қадар Баса Тўғрил эгалик қилсин» (ТҲ.48.11–12).

yasadaqî qinqa tegsünlär

yasadaqî qinqa tegsünlär жумласидаги *yasa* – ҳуқуқса тегишли атама, давлатнинг бош қонуни; *qin* – «қийин-қистов; жазо» маъносидадир. *Qina-* феъли ана шу сўздан ясалган бўлиб, «қийнамок; жазо бермак» маъноларини англатади. Маҳмуд Кошғарий луғатида: *beg anî qinadî* – «бек уни қийнади, исканжасига солди»; *tejri anî qinadî* – «Худо унга жазо берди» (МК.283а).

tegsünlär – сўзма-сўз «тегсинлар; етишсинлар» (*teg-* феълидан), лекин бу ўринда «тортилсинлар; маҳкум этилсинлар» дегани, яъни ушбу жумладан «давлат қонунидаги жазога тортилсинлар» англашилади.

Қайтсу тудунгнинг Чинтсу Шиладан қарз олиб, эвазига ўз боласини унга ўғилликка топширганлиги тўғрисидаги васиқада келгусида тўланган қарзга ҳеч кимса даъво қила олмаслиги, битимни бузиб, даъво қилғудек бўлса, ўша кимса давлат қонунидаги жазога тортилажаги таъкидланган. Васиқадаги бу жумла ўғил эвазига қарз берувчи Чинтсу Шиланинг тилидан берилади.

Мана ўша сатрлар: *Men, Či̇ntsu ayaqqa tegimligni̇j ečim, inim, oylum, qat-qadašim almasun, tartmasun. Aram bir-ök ilgäli-tartyalı̇ saqinsar, sawları̇ yorimasun. Yasadaqii qinqa tegsünlär.* – «Мен, ҳурматга сазовор Чинтсунинг оғам, иним, ўғлим, қавм-қариндошим тортиб олмасин. Агар бирор кимса тортиб олишни хаёл қилса, сўzlари ўтмасин. Давлат қонунидаги жазога тортилсинлар» (ТҲ.42.6–10).

tört yoli boş

Ушбу бирикмадаги *tört yoli* – «борадиган тўртала йўли, тўрут тарафи» маъносида; *boş* – «бўш, очик; эркин» дегани; бу сўз «эркинлик; озодлик» англамини таъминлайди; *tört yoli boş* – «тўртала йўли очик» / «тўрут тарафи очик», яъни «истаган томонига кетиши мумкин; ўз истагича яшashi мумкин» деган маънода ишлатилади.

Bu Titsu atl(i)y oyul Či̇ntsu ayaqqa tegimligkä bar erginčä könin pišiyin tapinip, ayaqqa tegimligtä kin tört yoli boş, öz köyülinčä barsun. – «Бу Титсу отли ўғил хазрат Чинтсуга бор эканида [яъни унинг кўзи тириклигида] чин пишиф хизматини қилиб, ул хазратдан кейин тўрут йўли очик, ўз истагича кетсин» (ТҲ.42.4–6).

Қадимги туркий адабиётда томон билан боғлиқ бўлган *tört buluñ* тушунчasi ҳам бор. Бу ўринда *buluñ* – «тараф, томон» маъносида; *tört buluñ* – «тўрут томон; тўрут қутб; ўраб турган тарафлар» дегани. Бу бирикма мамлакат танг ахволда эканлиги, ҳалқ ёв қуршовида қолганлиги таърифида ишлатилади. *Tört buluñ qop yayi ermis, sü sülápän, tört buluñdaqii bodunuñ qop almis, qop baz qilmis.* – «Тўрут томон бутунлай ёв экан, қўшин тортиб, тўрут тарафдаги ҳалқни бутунлай олибди, бутунлай бўсундирибди» (К.2).

boş сўзи қадимги туркий тилда бир қанча маъноларда ишлатилган. Масалан, унинг «Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган маънолари:

«озод, эркин»: *boş kişi* – «озод киши»;

«ажралган, эрдан чиққан»: *boş urayut* – «эридан ажрашган хотин»;
«иішдан бўшаган»: *boş elig* – «иішдан бўшаган қўл»;
«юмшоқ, бўш»: *boş et* – «юмшоқ гўшт»; «юмшоқ ер»га ҳам шу сўз
қўлланади;
«бўшатилган, бўш қўйиб юборилган»: *boş at* – «бўш қўйиб юборилган от»;
«холи қилинган, бўшатилган»: *boş ew* – «бўшатилган уй». Шунингдек,
нарсадан бўшатилган идиш ёки жилдларга ҳам *boş* сўзи қўлланади (МК.249а).

Ундан ясалган *boşı* феълининг эса қуйидаги маъноларини берган:

anij özi boşudi – «унинг ичи бўшалди, равонлашди».

tügün boşudi – «тугун бўшаброқ қолди».

at boşudi – «от боғловидан ечилди, бўшалди».

xan yalavačiň boşudi – «хон мамлакатига қайтиш учун элчига рухсат берди».

er urayutin boşudi – «эр хотинини талоқ қилди, ажрашди» (арғуча). Бу феъл
ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиздир. Бу феълнинг келаси замон шакли *boşur*, масдари
boşitaq бўлади (МК.281а).

Муаллиф *boş* сўзининг биринчи маъносидан ясалган *boşattı* феълини
«бўшатди, озод қилди» маъносида берган: *ol bulunuň boşattı* – «у асирни
бўшатди». Банддан, бошқадан бирор нарсанинг қутқазилишига ҳам
шу сўз қўлланади (МК.210а).

Ёки *boş* сўзининг иккинчи маъносидан ясалган *boşudi* феълини «талоқ
қилинди» англамида берган: *er urayutin boşudi* – «эр хотинини талоқ қилди,
ажрашди» (арғуча) (МК.281а).

Яна қиёсланг: *ol urayut boşattı* – «у хотинни қўйди» (арғучадир) (МК.210а).
Ёки бошқа бир мисол: *urayut boşandı* – «хотин талоқ қилинди» (арғучадир).
Муаллифнинг ёзишича, бу мўътабар эмас. Бу сўзининг келаси замон шакли
boşanır, масдари *boşanmaq* дир (МК.169б–170а).

boş сўзи сифат вазифасида «бўш, лапашанг» маъносида: *бўши ўғил*;
«юмшоқ» маъносида: *бўши хамир*; феъл бўлиб келганда «эркин, озод»
маъносида: *иішдан бўшимисан?* ҳозир ҳам ишлатилади.

boşa- феъли эса ҳозирги ўзбекчада «иішдан кетди»: *иішдан бўшади*,
шунингдек, «озод бўлди; эркин бўлди»: *дарсдан бўшади*; *қўли иішдан бўшади*
шаклларида ишлатилади.

Ҳозирги ўзбек тилида *boş* сўзи «талоқ» маъносида ишлатилмайди. Бу
маънода хотинини қўйди, талоқ қилди, ажрашди дейилади. Қадимги туркий
тилдаги *boş urayut* ўрнида эса ҳозирда *тул хотин, бева хотин* ишлатилади.

turyu-tumlulu satdīm

Бадрун отли бойдан эллик икки тўп бўз олиб, ўрнига жория берилгани тўғрисидаги ҳужжатда: *meniň Asan tigin (at)lïy küňümni Bädrünkä elig iki bayliy bözkä turyu-tumlulu satdīm.* – «менинг Асан тигин отли жориямни Бадрунга эллик икки бағлиқ бўзга узил кесил сотдим» (TX.4.3–5).

Ушбу ҳужжатда кечган *turyu-tumlulu satdīm* бирикмасини С.Е. Малов *torqu tomludu satdīm* шаклида ўқиб, рус тилига «продал правильно и законно» ёки матнга берган изоҳида *torqu tomludu* ни «правильно и точно» деб талқин қилган. Маъносини далиллаш учун Лекок ҳамда В.В. Радлов талқинига ҳавола этади (Малов 1927,9–10). «Древнетюркский словарь»да бу сўз *toγuru tomlitu / toγru tomludu* варианларида берилиб, рус тилига «законно, по всем правилам»; «правильно (~законно?)» деб талқин қилинган (*қаранг*: ДТС,572). Бизнингча, бу сўзнинг биринчи компонентини *toγuru / toγru* кўринишида ўқиб, маъносини «тўғри» («правильно (~законно?)») деб тушуниш бир оз мулоҳазали. Сабаби матнда ушбу сўз *toγru* эмас, С. Е. Малов тўғри ўқиганидек, *torqu* ёки *turqu* ёзилган.

Расмий ҳужжатларда қўлланган бу сўзни *turqu~turyu* деб ўқилгани маъкул; ўзаги *tur-* феълидан. Сўзнинг кейинги компоненти: *tomlulu~tumlulu* (U 5235 кўрсаткичли ҳужжатда: *tumlītu*). Чоғиштиринг, «Қутадғу билиг»да: *tumlit-* – *tumli-* феълининг орттирма нисбат шакли; *қўчма*. «совут-, бездир-»: *Tügütg yuz, ačiý til kišig tumlitur.* – «Тугут юз, аччиқ тил кишини совутади» (ҚБС,273).

Ҳарқалай, *turyu-tumlulu* бирикмасида ҳам кўчма маъно бор: *turyu-tumlulu satdīm* – «узил-кесил сотдим; бутунлай сотдим» англамлари дадир.

erklig bolsun

«Қутадғу билиг»да: *erklig* – эркли; ҳукмдор: *Tariyči bilä erklig el-kend tüzär.* – «Ҳукмдор хизматчи билан эл-кентларни тузади» (ҚБС,97).

erklig bolsun – буюм, ер ёки қулнинг эндиғи эгасига берилаётган эркинлик бўлиб, «эгалик қилсин» деган маънода ишлатилган.

Берлин қўлёмалар фондида Т.М.95 (U 5235) кўрсаткичи остида сақланаётган эллик тош бўз эвазига қулни алмаштирилганлик тўғрисидаги ҳужжатда: *Bir eksügsüz, bu Yuγčiqa miň yıl, tümän künkä tegi Alpiš erklig bolsun.* – «Хеч бир эътиrozсиз, бу Юнгчига минг йил, туман кунга қадар Алпиш эгалик қилсин» (TX.2.11–13).

Мисирга беш тош бўз эвазига сотилган ер учун тузилган ҳужжатда: *Bu tört siciiliy yerkä miy yil, tümän künkä tegi Misir erklig bolsun.* – «Бу тўрт чегара ичидаги ерга минг йил, туман кунга қадар Мисир эгалик қилсин» (ТҲ.8.11-13).

Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kišikä ötkürü satsun

Ушбу жумладаги *tapla-* феъли «истамоқ, ҳохламоқ; унамоқ» маъноларини билдиради. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида: *ol toniyapladı* – «у тўнни қабул қилди, унга унади». Муаллифнинг кўрсатишича, унинг келаси замон шакли *taplar*, масдари *taplataq* бўлади (МК.286b).

özi tutsun – «ўзи тутсин; ўзи ишлатсин». Бу ўриндаги *tut-* «тутмоқ, ишлатмоқ» маъносидадир. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам *tut-* феълининг «ишлатмоқ» маъноси бор, бу сўз кўпроқ нарса-буюмга нисбатан ишлатилади. Чоғиширинг, чўмични тутди – «чўмични тутди / чўмични ишлатди» дегани.

ötkürü satsun – «ўткариб сотсин; сотиб юборсин» деган маънодадир.

Шулардан келиб чиқиб, *Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kišikä ötkürü satsun* жумласи «Истаса, ўзи тутсин, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсин» деб ўтирилади.

Бу жумла ер-жой олди-бердиси, қўл остидаги қулини ўзга кимсага сотиб юбориш билан боғлиқ ҳолда тузилган васиқаларда бундан буёнги эркинлик унинг янги эгасига ўтганлигини кафолатлаш учун ишлатилади.

Мана мисоли: *Bu tört siciiliy borluq üzä miy yil, tümän künkä tegi Basa Toy[r]il erklig bolsun. Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kišikä ötkürü satsun.* – «Бу тўрт чегара оралиғидаги узумзорга минг йил, туман кунга қадар Баса Тўғрил эгалик қилсин. Истаса, ўзи тутсин, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсин» (ТҲ.48.11–14).

Эллик тош бўз эвазига қулни алмаштирилганлик тўғрисидаги ҳужжатда: *Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kišikä ötkürü satsun.* – «Истаса, ўзи тутсин [яъни ишлатсин], истамаса, ўзга кишига ўтказиб сотсин» (ТҲ.2.14–15).

čam-čarim qıl-

Эллик тош бўз эвазига қулни алмаштирилганлик тўғрисидаги ҳужжатда: *Bu Yungçinij soñ bayan oyrisi-yalyanı bolsa, tewi, qasasi bolsa, onluqi-yüsrüki bolup čam-čarim qilsar, men Quydamuni bilir-men, Alpiş bilmäs.* – «Бу Юнгчининг бунингдан буён ўғриси-ёлғони бўлса, найранги (чиқса), жонига суиқасд қилса, бирон воқеа содир этса, яқинлари чиқиб даъво қилса, мен Қуғдамуни жавобгар бўламан, Алпиш жавоб бермайди» (ТҲ.2.16–20).

Bu kišikä čam-čarim qilmasun. – «Бу кишига зўравонлик қилмасин» (ТХ.4.15).

qorluq bolsun / qorsuz bolsun

Чоғиширинг, «Қутадғу билиг»да: *qor bol-* – «зарар бўл-; зиён қил-»: *Sözüj bolsa yaŋluq, seňä bolyɑ qor.* – «Сўзларинг янглиш бўлса, сен учун зарар бўлади» (ҚБС,221).

Хужжатлардаги *qorluq bolsun* – «зарар кўрсин; (унга) зиён бўлсин»; *qorsuz bolsun* – «зарар кўрмасин; (унга) зиён бўлмасин» деган маъноларда ишлатилган.

Apam bir-ök erklig beg iši, elči-yalawač küčin tutup, yulayin, alayin, tesärlär, bu kiši-teg iki kiši berip yämä (?) sözläri yorimasun. Čamlayiči kišilär qorluq bolsun. Bu bitig tuta Bädrün qorsuz bolsun. – «Агар бирор кимса ҳукмдор бегнинг, элчининг кучига таяниб, тортиб олайин, дегудек бўлса, бу одамга тенг келадиган икки киши бериб, яна сўзини ўтказмасин. Даъво қилувчи кишилар зарар кўрсин. Бу хужжатнинг эгаси Бадрун зарар кўрмасин» (ТХ.4.15–20).

erklig beg iši-küčin tut-

Шаби исмли кишининг Басмилга сотган ери тўғрисидаги хужжатда:

taqii bir-ök erklig beg iši-küčin tutup, alayin, yulayin tesärlär, bu-oq ögän üzä suwaqlıj iki tanču yer yaratu berip yulup alsun. Yuldači kiši qorluq bolsun, Basmil qorsuz bolsun. – «агар бирор кимса ҳукмдор бекнинг иши-кучига таяниб, уни олиб қўяман деса, мана шу ўзандан сув ичувчи икки танчу ер топиб бериб, кейин юлиб олсин. Юловчи киши зиён кўрсин, Басмил зиён кўрмасин» (ТХ.6.18–22).

ayittip bitidim / inčkä ayittip bitidim

Махмуд Кошғарийга кўра: *ayitti* – «сўради»; *ol meňä söz ayitti* – «у мендан сўз сўради». Ўғузлар *men ajar söz ayittim* («мен у билан сўзлашдим») дейдилар, лекин бу қоида эмас [қоидага хилоф] (МК.58а).

Ёки «Қутадғу билиг»да: *Oqidî elig bir kün Ögdülmışig, / Ayitti bodun hâli, el-kün išig.* – «Элиг бир кун Ўгдулмишни (ёнига) чақирди, / Халқ ахволи, эл-юрт иши ҳақида сўради» (ҚБС,42).

ayittip bitidim – «сўраб ёздим»; *inčkä ayittip bitidim* – «бирма-бир сўраб ёздим».

Васиқани қофозга битувчи кимса, идора ходими хужжатнинг аниқлигини далиллаш учун ишлатиладиган бирикма.

Эллик тош бўз эвазига қулни алмаштирилганлик тўғрисидаги ҳужжатда: *Men Šila Quydamuniga inčkä ayitip bitidim.* – «Мен Шила Құғдамунидан бирма-бир сўраб [яни унинг айтганлари бўйича бирма-бир] ёздим» (ТҲ.2.32–33).

Ёки бошқа бир мисол. Куш Темур отли кишининг бўз эвазига экин экадиган ер олганини тасдиқловчи ҳужжатда: *Men Čatir bu bitigdäki onluqča bizin kišilärkä, qač (?) qata yinčkä ayitip bitigel temiškä bitidim.* – «Мен, Чатир, бу ҳужжатдаги ўн нафар бизнинг кишилардан қайта-қайта, бирма-бир сўраб, (сен) ёзгин деганлари учун ёздим» (ТҲ.5.23–24).

С.Е. Малов бу жумлани *Män Čatir (?) bu bitigdäki onluq ča biz (?) in kisi-lärkä Ānč Qada inčkä ayidip bitigel timiš-kä bitidim* шаклида ўқиб, рус тилига «Я, Чатыр, содержимое этого документа написал под диктовку, заставляя Енч-Када спрашивать десятерых людей» деб таржима қилган (Малов 1951,206–207). Ушбу жумлада киши исми шаклида берилган *Ānč Qada* ни, менимча, *qač qata* деб ўқилгани маъқул. Бу сўз «неча бор; неча қайта; қайта-қайта» деган маънони беради. Ундан кейинги сўзни эса *yinčkä* деб ўқиса бўлади. Чунки *yinčkä ay-*аник, дона-дона сўзламоқ” маъносини англатади (қаранг: ДТС,261). Шундан келиб чиқиб, жумланинг мазмуни ҳам ўзгаради: ... *qač (?) qata yinčkä ayitip bitigel temiškä bitidim* – «... қайта-қайта, бирма-бир сўраб, (сен) ёзгин деганлари учун ёздим».

Эски ҳужжатларда расмий ва бадиий услубларнинг қоришиқ ҳолда учраши ёки юридик кимсалар нутқининг бу кўринишда уйғунлашуви туркий расмий услугбнинг тўла шаклланиб улгурмаганидан эмас, аксинча, унинг ўта тараққий этгани, фикрни ифодалаш, ҳужжатнинг расмийлигини таъминлаш имкониятлари кенглигидан далолат беради.

Ёзма манбалар:

1. ДТС – Древнетютский словарь. – Л., 1969.
2. МК – *Kaşgarlı Mahmud. Dīvānū Lügati’t-Türk.* Tıpkıbasım / Facsimile. Ankara, 1990.
3. УДД – Уйгурские деловые документы X–XIV вв. из Восточного Туркестана. Предисловие, транскрипция, перевод с древнеуйгурского Л.Ю. Тугушевой. Факсимиле рукописей. М., 2013.
4. К – Кул тигин битиги: Содиков Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. – Тошкент, 2004, 96–112.

-
5. *TX – Содиқов Қ.* Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий хужжатлар. – Тошкент, 2016.
 6. *ҚБС – «Қутадғу билиг» сўзлиги.* Тузувчи Қ. Содиқов. – Тошкент, 2020.

Илмий асарлар:

1. *Малов 1927 – Малов С.Е.* Два уйгурских документа. – Ташкент, 1927.
2. *Малов 1951 – Малов С.Е.* Памятники древнетюркской письменности. М.–Л., 1951.
3. *Малов 1959 – Малов С.Е.* Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – М.–Л., 1959.
4. *Тугушева 1975 – Тугушева Л.Ю.* Языковые и внеязыковые значения в дешифровке памятников древнеуйгурской письменности. // «Советская тюркология», №5. Баку, 1975. С. 27–32.